УзССР Давлат китоб палатаси
140295

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

14 феврaль, сешанба, 1995 йил
Сотувда эркин нарҳда.
№ 32 (1034)

# 1995 ЙИЛ — ИҚТИСОДНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ЙИЛИ

## СОҲИБҚИРОН ТЎЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК

***11 фераль куни Вазирлар Маҳкамасида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг биринчи мажлиси бўлди. Мажлисни Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, шу қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.***

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 декабрда қабул қилган қарорида бу шонли сана Ўзбекистонда кенг миқёсда нишонланиши қайд этилган. Шунга кўра, «Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро анжуман ўтказиш, махсус халқаро туристик маршрутлар очиш, жаҳонгир номи билан боғлиқ обидалар ва қадамжоларни таъмирлаш ва ободонлаштириш кўзда тутилган. Қарорда, шунингдек, очиқ танлов асосида 1996 йилда Амир Темур шарафига Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида ёдгорлик мажмуи ташкил этиш, соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти, темурийлар даври ҳақида янги асарлар чоп этиш, бадиий фильм яратиш сингари ишларни амалга ошириш лозимлиги белгиланган.

Ана шу қарор асосида ташкилий қўмита ишлаб чиққан кенг кўламли тадбирлар дастури бўйича жойларда тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Меъморлар Тошкентдаги Амир Темур номи билан аталувчи хиёбонда барпо этиладиган музей лойиҳасини тайёрлаб, ташкилот қўмитасига тақдим этишди. Бу гўзал иншоот пойтахтимиз кўркига-кўрк қўшибгина қолмай, темурийларга оид нодир қўлёзмалар, буюмлар тўпланган табаррук маскан бўлиб қолади.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат миқёсидаги байрам ва юбилей тадбирларини ўтказиш дирекцияси директори Б. Шодиев, Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари А. Худойқулов, Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари К. Остонов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов, республика маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев ва бошқаларнинг ахбороти тингланди. Сўзга чиққанлар бобокалонимизнинг тўйи республикамиздагина эмас, жаҳон миқёсида ҳам катта аҳамиятга эга экани ва бу шодиёнага катта тайёргарлик, ўта масъулият билан қаралмоғи лозимлигини таъкидлаб ўтишди. Мажлисда Амир Темур номидаги халқаро жамғарма ташкил этиш масалалари ҳам муҳокама этилиб, тегишли тадбирлар белгилаб олинди.

Мажлисда Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов иштирок этди.

**(ЎзА).**



***Яқинда Фарғона туманидаги «Фарғона» ширкатлар уюшмаси Голландиянинг «Себеко интернейшнл» фирмаси билан ҳамкорликда Италияда ишлаб чиқарилган «Лазер-150» русумли тракторларни сотиб олган эди. Бу трактор бугунги кунда уюшма экин майдонларини шудгорлашда, минерал ўғит билан ишлов беришда ва юк ташишда жуда қўл келмоқда.***

***СУРАТДА: механизатор Иминжон Каримов янги тракторни моҳирлик билан бошқармоқда.***

**Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Сиз, жаноби олийларини, ҳукумат аъзолари ва мусулмон халқингизни Қуръони карим нозил бўлган муборак Рамазон ойи кириб келиши билан табриклайман.

Инсонни ҳақиқат йўлига бошловчи, руҳ ва жоннинг покланиш ойи бўлмиш бу ойда ягона Парвардигорнинг эътибори ва иноятига сазовор бўлиб, Ислом олий мақсадларини илгари суришда самарали қадамлар қўя оламиз, деб умид қиламан.

Худованди Каримдан Сиз, жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикасининг мусулмон халқига Исломнинг олий таълимоти ёғдусида бахт ва саодат тилайман.

**Акбар Ҳошимий РАФСАНЖОНИЙ,**
**Эрон Ислом Жумҳуриятининг Президенти.**

Эътибор қилаётган бўлсангиз, ҳаракат воситалари орасида икки оёқли... велосипеднинг мавқеи жу-

## ҚУМҚЎРҒОННИНГ... ВЕЛОСИПЕДИ

да кўтарилиб бормоқда. Қумқўрғон тадбиркорлари Беларус ишбилармонлари билан ҳамкорликда велосипед чиқарадиган корхона қуришга келишдилар. Шу йил охирига бориб Қумқўрғоннинг велосипедлари сотувга чиқса, ажаб эмас.

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ**
"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### КЕНГАШДА ТИЗИМДАГИ ЎЗГАРИШЛАР МАСАЛАСИ КЎРИЛДИ

***Сирдарё вилоят солиқ тизими ходимларининг семинар-кенгаши бўлди.***

Унда туман, шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг беш юзга яқин ҳисобчилари иштирок этди.

Семинар-кенгашда солиқ тизимидаги ўзгаришлар, янгича иш услублари юзасидан фикр алмашилди.

### «ЖАВОҲИР» ИМТИЁЗЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДА

***Термиз шаҳрида «Жавоҳир» деб номланган кўзойнак дўкони иш бошлаганига атиги бир ой бўлди. Бироқ, дўконда хизмат кўрсатиш яхши ташкил этилгани, бир неча имтиёзлар кўзда тутилгани боис унинг шуҳрати бутун вилоятга ёйилди.***

Хусусан, «Жавоҳир»да биринчи гуруҳ ногиронларига ҳамда ўн ёшгача бўлган болаларга кўзойнаклар 50 фоиз арзон нархда сотилади. Дўконда ногиронлар учун қўлтиқ таёқ, ҳасса, бир мартали шприц сингари турли тиббиёт буюмларини ҳам харид қилиш мумкин.

### ЯНА ЮЗ ХОНАДОН СОҲИБАЛАРИ КОСОВДАН ҚУТИЛИШАДИ

***Қонликўл туманидаги Қулмурот Жиров номли ижара хўжалиги марказида 50 дан ортиқ хонадонда табиий газ ёнди.***

Шу кунгача туман аҳолисининг 93,5 фоизи табиий газ қулайлигидан баҳраманд бўлди. Жорий йилнинг биринчи ярмида яна 100 хонадонни газлаштириш мўлжалланмоқда.

### ЭНДИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧИЛСА, АЖАБМАС

***Оҳангарон туманидаги Садда қишлоғида 150 автобусга мўлжалланган автокорхона ишга туширилди.***

Янги автокорхона туман марказидан кўпгина шаҳар ва қишлоқларга янги йўналишлар очиш, мавжудларини қўшимча автобуслар билан таъминлаш имконини бермоқда.

### ЎЗИНГНИКИ БЎЛГАНГА НИМА ЕТСИН...

***Избоскан туманидаги «Урганжи» жамоа хўжалиги фермери Адҳамжон Расулов ўз маблағи ҳисобига бир кеча-кундузда 20 тонна сутни қайта ишлай оладиган кичик завод бунёд этди.***

Адҳамжоннинг юз бошдан зиёд соғин сигири бор. Илгари у етиштираётган маҳсулотини Андижондаги сут заводига ташир эди. Ўн кишини доимий ишга таклиф этди. Унинг кичик корхонаси бошқа фермер ва жамоа хўжаликларида етиштирилаётган сутни ҳам қайта ишлаш имконига эга бўлди.

### СОҒЛИҚ — ЖАМИ МИЛЛАТДА БЕБАҲО БОЙЛИК



**Усмон Юсупов тумани соғлиқни сақлаш бўлими қишлоқларда тиббий хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Ҳозир хўжаликларда 5 та дорихона, 2 та қишлоқ шифохонаси, 5 та шифокорлик амбулаторияси ва 9 та фельдшерлик-акушерлик таянч нуқталари ишлаб турибди.**

**СУРАТДА: реанимация бўлими шифокорлари: (чапдан) Ҳ. Мансуров ва А. Мустафоқулов бемор ёнида.**

### «ЭНГ ЯХШИ БОБОДЕҲҚОН»

***Республика «Маҳалла» жамғармаси Хоразм вилоят бўлими «Энг яхши бободеҳқон» кўрик-танловини бошлади.***

Кўрикнинг асосий шартларидан бири деҳқоннинг ўз томорқасида, қўшимча ерида етиштирган ҳосили, деҳқончилик маданияти, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларига қўшган ҳиссасини муносиб баҳолашдан иборат.

Кўрик ҳозирги қишки шўр ювиш даврида бошланиб, кузги ҳосил мавсумида ниҳояланади.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР

## «ФОЛЬКСВАГЕН»НИНГ ЯНГИ КОРХОНАСИ

*Германиянинг машҳур «Фольксваген» автомобиль фирмаси Самарқанд шаҳрида ўз корхонасини очадиган бўлди. Самарқанддаги «Автомобиль маркази» ҳиссадорлик тўғрисидаги шартномани имзолагандан сўнг шундай ишга қўл урилди.*

*Жаҳон андозаларига мос кўплаб хизмат турларини қамраб оладиган янги автомарказ қуриш ишларини Ўзбекистон-Швейцария «Самрад» қўшма корхонаси амалга оширади. Чунки германиялик автомобилсозларга автомарказнинг айнан шу корхона мутахассислари яратган лойиҳаси маъқул келди.*

*Фақат хорижий автомобилларга техник хизмат кўрсатиш эмас, балки улар савдоси билан ҳам шуғулланадиган янги марказ шу йилнинг ўрталарида фойдаланишга топширилади.*

**М. МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## • Қишлоқда ислоҳот қандай боряпти?

***ТАРОЗИНИНГ тоши тўғри қўйилмаса, биров фойда, бошқа биров жабр кўради. Яширишнинг ҳожати йўқ. Қишлоққа сув керакми, йўлларга асфальт ётқизиш зарурми, асосий юк жамоа хўжаликлари елкасига тушарди.***

## МИЛЛИОНЛАРНИНГ ЎЗИ КЕЛМАЙДИ

Ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Кўрпага қараб оёқ узатмаганлар, албатта, ютқазади. Андижон туманидаги А. Исмоилов (собиқ Киров) номли жамоа хўжалиги ўша йиллари катта қарзга ботганди. Бунинг устига, бир томондан, шаҳарга, иккинчи томондан, томорқаларга ер ажратилиб, хўжалик ҳудуди энидан ҳам, бўйидан ҳам қисқариб бораверди. Ваҳоланки, қишлоқнинг 24 мингга яқин аҳолиси хўжалик ерларига кўз тикиб турарди.

Абдураҳмон Қодировнинг суяги ҳисоб-китоб ишида қотган. Хўжаликка раҳбар бўлиб келгач, фақат пахтадан келадиган даромадга умид боғлаб ўтириш мақсадни рўёбга чиқармаслигини англаб етди. Оддийгина мисол: бундан уч йил муқаддам 400 гектар майдонга пахта экилган бўлса, энди 282 гектарга экилади.

Хўжалик ишбилармонлари ишни сандиқ, бешик, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарадиган цехлар ташкил этишдан бошлашди. Ҳунармандчилик кенг йўлга қўйилди. Кейин 500 квадрат метр майдонда консерва цехи тикланди. Улар шу йўл билан пичоқнинг сопини ўзидан чиқаришди. Ахир хўжаликда олма, беҳи, шафтоли каби хомашё бўлса-ю, қўлни қовуштириб тураверишкеракми? Маҳсулот таннархи ғоят арзон тушди. Шу боис мўмайгина даромад кўра бошладилар. Оқибатда кичик корхонада йилига 1 миллион 200 минг банка маҳсулот ишлаб чиқариладиган бўлди.

Жамоа хўжалиги ҳудудида тикувчилик цехи қурилиши бошланганда айримлар ҳайрон бўлишди. Пахта териб, қўлини чаноқ тирнаган аёллар чок босишни эплай олармиканлар? 1200 квадрат метр майдонда қурилиш бошланди. Айни пайтда аёллар тикувчилик сир-асрорларини ўргана бошлашди. Орадан кўп ўтмай, мана-ман деган фабрикадан қолишмайдиган корхона бунёдга келди. Албатта, тикув машиналарини олиб келишнинг ўзи бўлмади. Ишбилармонлар Россия корхоналаридан тайёр маҳсулот эвазига 135 та тикув машинаси сотиб олишди. Болалар кўйлаги, кўрпа ғилофи ва жилдлари, аёллар халатлари ва бошқа кийим-кечаклар тикила бошланди.

— Авваллари хўжалик даласида ишлардим,— дейди тикувчи Муниса Ҳасанова.— Олган иш ҳақим уст-бошимга зўрға етарди. Энди бўлса яхшигина даромад топяпман.

Мунисага ўхшаш юзлаб қизлар ҳозир корхонанинг қўли гул чеварлари. Улар 700 сўмгача маош олишяпти.

Ўтган йили жамоа хўжалиги пиллакорларга ўз вақтида пул бера олмай қолди. Тўғри, бошқа хўжаликларда ҳам шундай бўлди. Лекин Абдураҳмон Қодиров узоқ ўйлаб ўтирмади.

— Ўктамжон, цехларимиздан бирини сотсакмикан?— деди у иқтисодчига.

Шундай бўлди. Хўжаликдаги мавжуд 4 та тикувчилик цехидан бирини вилоят савдо концернига 5 миллиард сўм-купонга пуллашди. Топилган маблағ эса иш ҳақи, рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланди. Хўжалик миришкорлари иқтисодий тақчиллик шароитида қийналмаяптилар. Боиси — ўтган йили деҳқонларга 200 тонна ун, 200 тонна ем, 100 тонна пиёз тарқатилди. Ўзга хўжаликларда меҳнаткашлар иш ҳақини 2-3 ойлаб олишмаётганда, А. Исмоилов номли хўжаликдагилар чўнтагини қаппайтириб юришди. Дарвоқе, ўтган йили ўзлари етиштирган буғдойдан ташқари хўжаликка 500 тонна буғдой олиб келинди. Тадбиркорлар ғаллани қозоғистонлик биродарларидан олишиб, ўз тегирмонларидан ўтказдилар.

Тадбиркорларнинг тегирмони бир кеча-кундузда 80-100 тонна буғдойни қайта ишлаш қувватига эга. Бошқачароқ қилиб айтганда, кичкроқ ун заводидан қолишмайди. Шубҳасиз, бундан уч йил муқаддам уни қуриш бошланаётганда баъзилар ҳайҳотдай иншоотнинг нима кераги бор, дейишганди. Ҳозир узоқни ўйлаб ташланган қадамнинг натижаси кўзга ташланяпти. Азаматлар ўзлариникинигина эмас, ўзгаларнинг буғдойини ҳам ун қилиб беришяпти.

Абдураҳмон ака — зарарга тоби йўқ одам. Фойданинг ортидан қувгани-қувган. Йўқ, у ўз манфаатини кўзламайди. Миришкорлар тўқ, турмуши фаровон бўлсин, дейди. Ахир жамоада 2 та ғишт заводи, гилам тўқиш цехи, шиша буюмлар корхонаси, болалар ўриндиқлари тайёрлайдиган дурадгорлик, умуман, 18 та ёрдамчи корхонани юритишнинг ўзи бўладими? Уларда 500 дан ортиқ ишчи-хизматчи ишлаётгани ҳисобга олинса, қишлоқда саноат шохобчаларининг нақадар фойда келтираётгани кўз олдингизда гавдаланади. Масалани янада ойдинлаштирадиган бўлсак, ёрдамчи хўжаликлардан келаётган даромад пахтачиликдан олинаётган маблағга тенглашяпти. Ўтган йилда хўжалик пахтакорлари ёмон ишлашгани йўқ. 282 гектар пахта майдонидан 40 центнердан ҳосил кўтарилиб, туманда пешқадам бўлдилар. Аммо улар тадбиркорлик — ютуқлар гарови эканини англаб етдилар.

Бозор иқтисодиёти тийинларни ҳам ҳисобга олишга ундаётир. Ҳозир хўжалик ҳисобида 7 миллион сўмдан зиёд маблағ бор. Лекин миллионлар сувга оқизилаётгани йўқ. Ўтган йили 8 километрга ичимлик суви, 14 километрга «зангори олов» олиб келинди. 3 километр йўлга асфальт ётқизилди. Меҳнаткашлар даволанадиган физиотерапевтик шифохона қурилди.

Кейинги йилларда хўжалик майдонларида сизот сувлари кўтарилиб кетди. Ер ости сувларини йўқотиш, ариқ-зовур ковлаш мақсадида хўжалик ўз маблағига 3 та экскаватор сотиб олди. Иш қуролинг соз бўлса, меҳнатинг ҳам унумли бўлади. Юртбошимизнинг пахта, буғдой сингари қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмасини камайтириш, хўжаликларда қоладиган маҳсулот миқдорини ошириш ҳақидаги Фармони уларни руҳлантириб юборди. Моддий манфаатдорлик бор жойда иш сифати ҳам, самара ҳам яхши бўлади. Тадбиркорлик борасида дадил қадам ташланади.

**Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Шу азиз Ватан — барчамизники*

# ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА КАМАРБАСТАМИЗ

**Тошкент кимё-технология институтида республика олий ўқув юртлари ичида биринчилар қатори уч семестрлик ўқув режаси амалга оширилди**

***Мустақил Ўзбекистонимиз дунё миқёсида ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда, келажакда тараққий этган давлатлардан бирига айланиш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида ишончли қадамлар билан одимламоқда.***

Юртимизда иқтисодий ислоҳотлар ўтказишнинг асл маъноси ҳам ҳаммамизнинг муштарак мақсадимиз — Ватанимизнинг порлоқ истиқболи учун тамал тошини қўйиш, мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши учун замин тайёрлаш ва оламаро ҳавас қилса арзигулик турмуш тарзини яратишдир. Бунинг учун иқтисодни яхши билган, чуқур билимли, уддабурон мутахассислар керак. Ёшларимиз орасидан ана шундай кишиларни танлаб, тайёрлаб етказиб бериш олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ходимлари зиммасидаги муҳим вазифадир.

Шунинг учун ҳам юртимизда таълимни ривожлантиришга, ёшлар тарбиясига ва уларни ижтимоий ҳимоялашга ҳамиша катта эътибор бериб келинмоқда. 1991 йилда республикамизда биринчи марта ихтисослашган университет даражасидаги Тошкент кимё-технология институти ташкил қилинди. Ҳозирги кунда бизнинг олий ўқув юртимизда саноатнинг кимё, озиқ-овқат ва бошқа тармоқлари учун зарур бўлган 30 га яқин ихтисослик бўйича юқори малакали муҳандис-технологлар тайёрланмоқда.

Институт ташкил этилиши билан республикамизнинг кимё-технологияси ҳамда озиқ-овқат ишлаб чиқариш технологиясини яратишда, малакали мутахассислар тайёрлашда янги саҳифа очиш мўлжалланган. Бу эса, ўз навбатида, профессор-ўқитувчиларимиз олдига юксак вазифалар қўяди. Мутахассислар тайёрлашда устивор фанларни ўқитишга эътибор кейинги пайтларда кучайди. Кўп босқичли тизимни жорий этиш мақсадида янги ўқув дастурларини ишлаб чиқмоқдамиз. Улар кичик мутахассис, бакалавр, дипломли мутахассис ва магистрлар тайёрлашга мўлжалланган. Талабалар ўқишини ташкил қилишда ривожланган хорижий мамлакатларда кенг қўлланилаётган рейтинг тизими асос қилиб олинмоқда. Республика олий ўқув юртлари ичида биринчилар қатори уч семестрлик ўқув режасини амалга ошириб, яхши натижаларга эришмоқдамиз. Институт ўқув бўлими 1-ва 2-курс талабалари учун ўқув-услубий қўлланмалар чоп этиб, уларни ҳар йили ўқиш бошланишидан аввал талабаларга етказиб беради. Яратилган бу қўлланмаларда ўқиладиган ҳар бир фан дастурлари ҳам келтирилган. Бу эса талабалар ўз устида мустақил ишлашида ёрдам бермоқда, ўқитувчи билан ўзаро самарали боғланишда ижобий рол ўйнамоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, техника фанлари доктори, профессор А. Абдураҳимов «Ёғлар технологияси асослари», техника фанлари доктори, профессор С. Абдураззоқова «Ачитқи маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси асослари», бир гуруҳ муаллифлар «Кимёвий жараёнлар ва қурилмалар» номли масала ва машқлар тўплами ҳамда бошқа муаллифлар муҳандислар тайёрлашда зарур бўлган китоблар тайёрлаш ишларини бошлаб юборишди.

Институтимизда республикамиз учун зарур бўлган қанд, лак-бўёқ ишлаб чиқариш технологияси, нефть ва газ маҳсулотларини қайта ишлаш, кимё ва озиқ-овқат менежменти, нодир металларни қайта ишловчи тармоқлар учун зарур бўлган ноёб мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда.

Жамоамизда 40 дан зиёд фан доктори, профессор, 150 дан ортиқ фан номзоди, доцент ўқув-тарбиявий ишлар билан бир қаторда илмий-тадқиқот ишларида фаол қатнашмоқда. Олимларимиз олдига қўйилган асосий вазифалардан бири маҳаллий хомашёга ниҳоятда мўл бўлган ўлкамиз бойликларидан самарали фойдаланишдир. Бу борада ҳам ижобий ишларимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида ўз аксини топмоқда. Навоий, Чирчиқ, Олмалиқ кимё корхоналари чиқиндиларини қайта ишлашда биз яратган янги технологик жараёнлар ижобий баҳоланмоқда. Пластмасса ва эластомерларни қайта ишлаш технологияси кафедраси олимлари шу соҳа корхоналарида ташқаридан келтириладиган хомашёни маҳаллийсига алмаштириш устида кенг кўламда илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Жумладан, институт олимлари Оҳангарон қурилиш пластмассалари корхонасида ленолиум олиш учун ишлатиладиган, экологик жиҳатдан зарарли асбестни майдаланган оҳактошга алмаштириш технологиясини яратиб берадилар. Ҳозирги кунда бу изланиш натижалари катта иқтисодий самара билан амалиётда қўлланилмоқда.

Кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалари кафедрасида пахта чигитидан ёғ олиш борасида жуда муҳим бўлган, пахта чигитини чақишнинг янги мукаммал усули ишлаб чиқилди. Бу усулга биноан, 95-98 фоиз чигитни чақиш жуда қисқа вақт ичида амалга оширилади ҳамда мағизи бутун ва уларнинг ҳажми 1,2-1,7 маротаба ортган ҳолда олинади. Бу яратилган қурилмага янги ихтиро сифатида республика патенти олинди. Ихтиро қилинган усулда пахта чигитидан ташқари, кунгабоқар пистасини, ерёнғоқ, ўрик, шафтоли данакларини, қовун ва бошқа ўсимлик уруғларини ҳам чақиш мумкинлиги исботланди.

Олимларимиз томонидан 9 илмий мавзу Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси билан танлов асосида, шартнома тузилган ҳолда олиб борилмоқда. Институтимиз халқаро танловларда ҳам ўз илмий ишларининг натижалари билан қатнашмоқдалар. Ёш, иқтидорли олимларимиздан бири — докторантимиз Дилшод Тўлаганов 1994 йили Халқаро Саярес совриндори бўлди. Илмий ходим, аспирант ва педагогларимиз мустақил республикамизнинг дастлабки патентларидан 20 тасини олишга сазовор бўлдилар.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида биз халқимизга ҳамиша камарбастамиз. Институтимиз жамоаси бутун шижоатлари, куч-ғайратларини Ватан тараққиёти йўлига сафарбар этадилар.

**П. ИСМАТУЛЛАЕВ,**
**профессор, институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори.**



Бундан 27 йил бурун Шароф Рашидов ташаббуси билан Самарқанд туманидаги «Дўстлик» (олдинги «Москва») жамоа хўжалигида лимонарий ташкил қилинган эди. Лимончилик бугунги кунда хўжаликнинг асосий даромад манбаларидан бирига айланди. 3500 туп лимон кўчатидан 81 тонна ҳосил олиб, 14 миллион сўм даромад қилинди. Яқинда хўжалик ўзида етиштирилаётган лимон, томат пастаси ва вино ичимлиги ҳисобига Россия корхоналари билан вино қадоқлаш линияси ва иссиқхона учун ойна айирбошлашга шартнома тузди.

СУРАТДА: сабзавотчилар Ҳаловат Маҳмудова, Гулзира Остонова ва Маҳфуза Мамадиёровалар.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

## ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

Тошкентда Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Маданият ишлари вазирлиги қошидаги ташкилий қўмита ҳамда саҳналаштирувчи режиссёрлар гуруҳининг йиғилиши бўлди. Уни вазир ўринбосари Б. Абдураҳимов бошқарди.

Йиғилишда саҳналаштирувчи бош режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг ана шу хусусдаги ахбороти тингланди.

Ташкилий қўмитада Наврўз умумхалқ байрамини миллий қадриятларимиз асосида ўтказиш учун зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Ў. ҲАЙДАВОЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Фармон ва ижро*

# САРМОЯДОРЛАР ЕР ЭГАСИ БЎЛИШЯПТИ

**Фарғона шаҳрида ўтказилган кимошди савдосига вилоят тарихида биринчи марта ишбилармонлар ва тадбиркорларга сотиш учун 80 та ер участкаси ажратилди**

***7725 квадрат метр ер майдони, асосан, савдо дўконлари, умумий овқатланиш корхоналари, маиший хизмат бинолари бунёд этишга аҳд қилган тадбиркорларга сотиладиган бўлди. Шаҳар меъморчилик бўлими эса ана шу жойларда қуриладиган биноларнинг 24 хил лойиҳасини ишлаб чиқди.***

Кимошди савдосида биринчи бўлиб Қори Ниёзий кўчасидаги 10 та ер майдони савдога қўйилди. Ҳар бири 0,4 сотихли бу ерларнинг харидорлари ҳаддан зиёд бўлганлигининг ўзига хос «сири» бор. Чунки Марғилонсой қирғоқларига туташиб кетган бу ерлар бир пайтлар шаҳарнинг одамлар дам оладиган энг сўлим хиёбонларидан бири эди. Шу ердаги Маҳсум оқсоқол чойхонасининг таърифи эса бутун водийга таралганди.

Шаҳар ҳокимлиги биринчи навбатда Марғилонсойни бетонлаштириш муносабати билан бузилиб кетган машҳур хиёбонни қайта тиклаш ҳаракатини бошлаб юборди. Одамлар гавжум бўладиган ерларга савдо расталари, умумий овқатланиш корхоналари, энг муҳими, машҳур чойхонани яна қайта тиклаш учун ер майдонлари ажратилди. Кимошди савдосида ҳар бир ер майдонининг дастлабки баҳоси 8417 сўм қилиб белгиланган эди. Кимошди савдосида эса 1-рақамли ер участкаси 50 минг сўмга сотилди. Қолган участкалар ҳам секин-аста ўз харидорини топди. Жами 10 та участка 407 минг сўмга сотилди. Шаҳарнинг Қувасой ҳамда Мустақиллик кўчаларидаги ер майдонлари ҳам эгалик бўлди. Ер сотилишидан шаҳар хазинасига 548 минг сўм маблағ тушди.

Вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам бу тадбир амалга ошириляпти. Меъморчилик бошқармаси шаҳар ва туман марказларидаги ерларнинг қай даражада жойлашганлиги, коммуникация объектларига яқин-йироқлиги, катта йўл бўйида жойлашганлигиға қараб, баҳосини қўйиб берди. Тошлоқ туманилик Баҳодиржон Тешабоев восита дўкони жойлашган ерни 8349 сўмга, Анваржон Солиев музқаймоқ сотиш дўкони атрофидаги ерларни 7360 сўмга, Мухторали Йўлдошев шахсий мева-сабзавот дўкони ўрамидаги ерларни 6256 сўмга сотиб олди. Туман бўйича 20 дан ортиқ сармоядор шахсий ер эгаси бўлди.

Вилоят бўйича ҳозирга қадар қарийб 2 миллион сўмлик ер сотилди. Бу — катта ишларнинг бошланиши.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЭНДИ ХОРИЖИЙ САЙЁҲЛАР ХАЛҚИМИЗНИНГ УРФ-ОДАТЛАРИ, АНЪАНАЛАРИДАН ҲАМ БОХАБАР БЎЛИШАДИ

***Республика «Ўзбектуризм» миллий компаниясида мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳларга маданий хизмат кўрсатиш кенг йўлга қўйилмоқда. Энди хорижлик меҳмонлар Ўзбекистоннинг архитектура ёдгорликлари ва тарихий обидалари билан танишиш жараёнида халқимизнинг миллий урф-одатлари, тўй-ҳашамлари ва бетакрор санъатидан баҳраманд бўлишади.***

Яқинда «Ўзбектуризм» миллий компанияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли билан ҳамкорликда тайёрлаган «Тўй» номли театрлаштирилган махсус томошасини намойиш этиш билан чет эллик меҳмонларга мўлжалланган «Ёшлик» шоу-концерт дастурининг 1995 йилги мавсумини бошлади. Дастурдаги шарқона тўй маросимлари, хусусан, келин салом ва ўзбекона оила муносабатлари меҳмонлар диққатини тортди.

Айтиш мумкинки, миллий қадриятларимиз асосида тузилган бу дастур саёҳатчилар ва мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган элчихоналар ходимларида катта қизиқиш уйғотибгина қолмай, балки республикамиздаги мавжуд ижодий жамоалар билан хорижий санъатсеварлар ўртасида маданий алоқаларни ўрнатишга ҳам сабаб бўлади.

**Ўктам ДЎСТЁР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Акс-садо*

# «СТЕВИА—ҲАМ ШАКАР-ҚАНД, ҲАМ ДОРИ-ДАРМОН»

**мақоласи «Халқ сўзи»нинг 18 январь сонида босилганидан сўнг олим ва мутахассислардан кўплаб хатлар олинди**

***«Мутахассис янгиликни шарҳлайди» рукни остида чоп этилган ушбу мақолада Жанубий Америка минтақасида ўсадиган стевиа ўсимлигини субтропик иқлимга бироз яқин бўлган Сурхондарё воҳасида экиб, кўпайтириш фармацевтика ва шакар-қанд саноати учун катта хомашё базасини яратиш имконини бериши ҳақида фикр юритилганди. Мақола олим ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Шу боис муҳарририятга бу янгиликни қўллаб-қувватловчи хатлар кела бошлади. Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.***

**Тошкент давлат университети биология-тупроқшунослик факультетининг юксак ўсимликлар кафедраси мудири Х. Охунов, доцентлар И. Тоғаев, Х. Азимов:**

— Республикамиз эндигина мустақилликнинг тўртинчи йилига қадам қўйган бугунги кунда халқ соғлиги учун зарур бўлган дори-дармон етиштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб турганлиги ҳисобга олинса, стевиа ўсимлиги тўғрисида «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган мақола айни муддаодир. Биз, ботаникларга маълумки, республика учун ташқаридан келтирилган ва иқлим шароитимизга мослаштириб ўстирилган ҳар бир ўсимлик катта бойлик ҳисобланади. Яъни стевиа ўсимлигини маданийлаштириш республикамизда маданий ўсимликлар сони яна биттага кўпайди, демакдир. Бундан ташқари, у халқимизнинг моддий бойлигига айланади.

Стевиа ўсимлиги ҳозирги вақтда ривожланган давлатларда шакар-қанд ва дори-дармон тайёрлашда кенг миқёсда ишлатилмоқда. Ундан «стевиозид» моддасини олиш учун каттаю кичик заводлар ишлаб турибди. Демак, бу ўсимлик Сурхондарё вилоятида яқин йиллар ичида катта майдонларга экилар экан, етиштирилган хомашёни қайта ишлаш учун шу ернинг ўзида завод қурилишига ҳам ишончимиз комилдир. Чунки ўта танқис бўлиб турган қанд-шакар ва қанд касаллиги билан оғриган беморларнинг дардига малҳам ўзимиздан чиққанига не етсин.

Шакарўтни маданийлаштириш учун Сурхондарё вилоятининг танланиши жуда тўғри бўлган, чунки у табиий келиб чиқиши жиҳатидан субтропик ўсимликдир. Бу вилоятнинг айрим туманлари субтропик зонага яқин бўлиб, иқлим шароити стевиянинг ўсиши ва ривожланиши учун анча қулайдир.

Биз, ботаникларнинг ишончимиз комилки, стевиа ҳам республикамизда кенг майдонларга экиб келинаётган пахта, картошка, кунгабоқар каби маданий ўсимликлар қаторидан ўрин олиб, халқимизнинг табиий туганмас бойлигига айланади.

**2-Тошкент давлат тиббиёт институти профессорлари У. Миршарипов, П. Холиқов, доцент Ғ. Жалолов:**

— Биз, тиббиёт ходимлари «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган «Стевиа — ҳам шакар-қанд, ҳам дори-дармон» мақоласини ўқиб мамнун бўлдик. Чунки ҳозирги вақтда қанд касаллигини даволашда асосан стевиа ўсимлигидан олинадиган «стевиозид» моддасидан фойдаланилади. Бундай дорилар асосан катта пул эвазига чет эллардан келтирилаётгани боис беморлар учун зарур бўлган дори-дармонлар тақчиллигича қолмоқда. Шуни ҳисобга олганда, Сурхондарё вилоятида стевиа ўсимлигини кўпайтириш долзарб вазифадир. Вилоятнинг ўзида завод қурилиб, «стевиозид» моддасини ажратиб олиш мумкин экан, бу ишга зудлик билан киришмоқ зарур. Шу модданинг бир қисми дори-дармон сифатида ишлатилса, бундай савоб иш республикамиз учун катта янгилик бўлур эди.

Бизга маълумки, Украинанинг кўплаб дорихоналарида айнан стевиа ўсимлигининг қуритилган баргларини чиройли идишларга жойлаб, дори сифатида сотмоқдалар. Стевиа ўсимлигини республикамиз миқёсида кўпайтириш имконияти бор экан, уни қўлдан бой бермаслик керак.

**«Шифобахш» ўсимликлар ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М. Аллаёров, бош директор ўринбосари С. Неъматий:**

— Инсон эҳтиёжларини тўлиқ қондиришда ўсимлик дунёсидан мумкин қадар унумли ва тежамли фойдаланиш талаб этилади. Бу масаланинг икки томони бор. Биринчиси — Ўзбекистонда мавжуд бўлган наботот дунёсини ўрганиш, фойдалиларини аниқлаш, улардан тежаб-тергаб фойдаланиш. Бу соҳада юртимизнинг имкониятлари жуда катта. Фақат олий гулли ўсимликлар турининг сони 4,5 мингга яқиндир. Собиқ СССР ҳудудида 17,2 минг ўсимлик тури рўйхатга олинган эди. Демак, бу улкан ҳududдаги ўсимликларнинг 26 фоизини Ўзбекистондан топиш мумкин. Ваҳоланки, Ўзбекистон собиқ СССР ҳудудининг 5,5 фоизини ташкил этарди.

Иккинчи томондан, Ўзбекистондаги қуруқлик денгиз сатҳидан 50 метрдан салкам 5000 метргача баландликда жойлашган, энг иссиқ чўллардан тортиб, музликларгача бўлган барча иқлим зоналари мавжуд. Демак, республика табиатини янада бойитиш мумкин. Шу билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Сурхондарё вилоятлари бирбирига таққосланса, иқлим ва тупроқ шароитларида катта фарқ бор. Сурхондарёнинг ўзида эса Гагарин ва Сариосиё туманлари иқлим шароитлари бир-биридан кескин фарқ қилади. Шундай экан, профессор Ж. Турсунов раҳбарлигида олиб борилган тажрибалар ва уларнинг натижаси асослидир.

Стевианинг Сурхондарё шароитида келажаги порлоқ эканлигини вилоят ва туман ҳокимлари, оддий деҳқонлар тўғри тушунишгани ва бу ишга бош қўшишгани, айниқса, қувончлидир. Стевиа япроқларида тўпланадиган «гликозид» моддаси қанддан 130 баробар ширин. Шунинг учун кўпгина қандолат маҳсулотлари ва чанқовбосди ичимликларда бундай модданинг қанд ўрнидаги аҳамияти беқиёсдир.

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### ШАЛИ ШАҲРИ АСОСИЙ НУҚТА

***Федерал қўшинлар томонидан Грозний шаҳрининг эгаллаб олиниши Россиянинг тўла ғалабага эришганини англатмайди, деди Жоҳар Дудаев ҳукуматининг вакили Абу Мовсаев РАТА-ТАСС мухбирига.***

Унинг сўзларига қараганда, бугун Чеченистондаги ҳарбий аҳамиятга эга бўлган муҳим нуқта Шали шаҳридир. Россия қўшинлари Шалини қўлга киритсагина урушда ютиб чиқиши мумкин. Лекин улар бу шаҳарни забт эта олмайдилар, деб таъкидлади у.

### ИОРДАНИЯ ҲУКУМАТИ ВАКИЛИНИНГ БАЁНОТИ

***Чеченистон Россия Федерациясининг ажралмас бир қисмидир. Лекин Россия ҳукумати можарони ноинсоний йўл билан ҳал этмоқда, дейилади Иордания ҳукумати вакилининг баёнотида.***

Шунингдек, баёнотда Иордания Чеченистондаги можарони тугалланган деб ҳисоблаши айтилади ҳамда Москвадан у ердаги иорданиялик чеченлар тақдири ҳақида маълумот бериш сўралади.

### ЖОҲАР ДУДАЕВ РОССИЯ РЕЖАСИДАН ХАБАРДОР

***РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Жоҳар Дудаев Россия Федерацияси ҳарбий раҳбарларининг режасидан жуда яхши хабардор.***

У ҳатто Россия армияси бош қўмондонлигининг Чеченистондаги ҳарбий ҳаракатлар харитасига эга.

Айрим хабарларга кўра, Чеченистондаги тинч аҳолининг ҳалок бўлиши кўпчиликни қўлига қурол олишга ундамоқда. Аввалари Дудаевнинг мухолифи бўлган кишилар энди унинг сафига келиб қўшилмоқда.

### ЯДРО СИНОВЛАРИНИ КУЗАТАДИ

***Покистон Ташқи ишлар вазирлиги вакили мамлакатда ядро синовларини кузатиб борувчи станция қурилаётганини тасдиқлади.***

Унинг таъкидлашича, Исломобод Ҳиндистондаги ядро синовларини назорат қилиб бориш ниятида. Янги станция Исломобод яқинидаги Карвал шаҳрида қурилади ва хориж технологияси билан жиҳозланади.

### 1948 ЙИЛДАН БУЁН...

***Мьянма давлати шарқидаги Карен автоном округида 2000 нафар ҳукумат аскари Карен миллий иттифоқининг охирги таянчи бўлган Коумура шаҳрини ўраб олдилар.***

Сўнгги жангларда ҳукумат ҳарбийларидан 80 нафари ҳалок бўлган. Коумура шаҳрини 800 га яқин исёнчилар ҳимоя қилмоқда. Маълумки, карен халқи миллий мухториятни сақлаб қолиш учун 1948 йилдан буён курашиб келади.

### ФАҚАТ УЧУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ МАҚСАДИДА

***АҚШ маъмурияти Бангладеш ҳарбий ҳаво кучларига 12 та «Т-378» ўқув-машқ самолётини текин беришга қарор қилди.***

Бироқ кейинроқ ушбу самолёт учун эҳтиёт қисмлар нақд пулга сотилади. Америка элчихонаси матбуот хизмати вакилининг таъкидлашича, самолётлардан фақат учувчилар тайёрлаш мақсадида фойдаланиш мумкин. Улар жанговар қуроллар билан жиҳозлашга мослашмаган.

### СИРЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ ҲАҚИДА НИЗОМ

***Хитой Фан ва техника ишлари давлат қўмитаси ҳамда сирларни қўриқлаш давлат бошқармаси ҳамкорлигида «Фан ва техникага оид сирларни қўриқлаш ҳақида низом» нашрдан чиқарилди.***

Хитой фан ва техника ишлари давлат қўмитаси раиси Хан Дзцяньнинг таъкидлашича, мазкур низом Хитой иқтисодиётини юритишда ёрдам беради.

### МУНОСАБАТЛАР ЖИДДИЙЛАШИШИ МУМКИН

***Иккинчи жаҳон уруши пайтида Германиядан Совет Иттифоқига олиб келинган қимматбаҳо ашёлар ГФР билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатларнинг энг жиддий нуқтаси бўлиб қолиши мумкин.***

Бу ҳақда Германияда чиқадиган «Вохе» ҳафталиги маълум қилди. Уруш пайтида Германиядан 200 минг санъат асари, шунингдек, 1,5 миллион нодир китоблар ва архив материаллари олиб кетилган.

### СПОРТ ЎЙИНГОҲЛАРИДА ТАРТИБНИ САҚЛАШ УЧУН

***Италия парламенти спорт ўйингоҳларида зўравонликка йўл қўймаслик тўғрисида махсус декрет қабул қилди.***

Ушбу фармонга кўра, йирик спорт мусобақалари ўтказилаётган пайтда жамоат тартибини сақлаш учун кетадиган харажатлар спорт ташкилотлари томонидан таъминланиши керак. Шунингдек, бундан буён оммавий тартибсизликлар келтириб чиқарган спорт клубларига ҳомийлик қилиш ҳукумат томонидан тақиқланди.

### СОВҒАГА ЎТ ЎЧИРУВЧИ МАШИНА

***Грузия пойтахтидаги ёнғинга қарши курашувчи бўлинма Американинг Солт-лейк-сити шаҳрилик хонимдан иккита ўт ўчирувчи машинани совға сифатида қабул қилиб олди.***

Американлик Дорис Плат хоним яқинда Грузияда бўлганида шаҳар ўт ўчирувчиларининг аҳволига чин дилдан ачинган эди. Натижада у Туркиянинг «Улуташ» фирмаси орқали мазкур совғаларни юборди.

• *Бирини кўриб қувонасиз, бошқасини кўриб ачинасиз*

# ИШ БИЛМАГАН БАҲОНА ИЗЛАЙДИ

***ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА бўлиб ўтган йиғилишда кўп жойларда техника қаровсиз ҳолда эканлиги, ҳар бир механизатор ўз тракторини уйи олдида сақлаши, худди шахсий машинасидек бозор-ўчарга қатнаши, таъмирлаш устахоналаридаги хўжасизлик хусусида аччиқ гаплар айтилди. Бу бежиз эмас. Ҳозирги кунда деярли ҳар бир хўжаликда шундай нохуш аҳволга дуч келиш мумкин. Чунончи, Зарбдор туманида ҳам техникага хўжасизларча муносабат оқибатида қатор йиллардан бери режалар бажарилмаяпти.***

ТЕХНИКАНИНГ яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги сабабли, ўтган йили экин майдонлари кузда эмас, асосан баҳорда шудгорланди. Бу пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам экиш муддатларининг кечикишига сабаб бўлди. Экинларга ишлов беришда ҳам, ҳосилни йиғиб-териб олишда ҳам техника панд берди. Пахта териш машиналари, ғалла комбайнларини таъмирлаш ўз вақтида тугатилмагани ва иш жараёнида тез-тез бузилиши туфайли етиштирилган ҳосилнинг анчагина қисми нобуд бўлди. Натижада пахта ва сувли ерлардаги ғалла ҳосилдорлиги 16 центнердан ошмади. Хўжаликлар деҳқонга 5-6 ойлаб иш ҳақи беролмай, «ўтириб» қолди.

Хўш, мана шундай лоқайдликнинг, боқимандаликнинг олдини олиш учун ҳозирги кунда Жиззах чўлининг ана шу ҳудудларида қандай чоралар кўриляпти?

1994 йил якунида ерга, техникага бўлган нотўғри муносабатлари, тадбиркорлик ва ташаббус кўрсатиб ишламаганликлари, аҳолининг кундалик эҳтиёжини таъминлай олмаганликлари учун бир қатор раҳбарлар вазифаларидан четлаштирилди. Жумладан, туман ҳокимлигига, «Андижон», «Шарқ юлдузи», «Зарафшон», Й. Қурбонов номли ширкатлар уюшмаларига янги раҳбарлар тайинланди. Биз айнан шу хўжаликларда бўлиб, техникага муносабат нечоғли ўзгарганлиги билан қизиқдик.

«Шарқ юлдузи» ширкатлар уюшмасида қисқа муддатда амалга оширилган тадбирларни кўриб қувондик. Марказий таъмирлаш устахонасини ҳеч иккиланмай, кичик бир завод деса бўлади. Дарвозадан киришдаёқ бу ердаги тартиб-интизом киши диққатини тортади. Ҳар битта трактор ва механизм кучли босимда ишлаётган сув пуркагичларда тозалаб ювилгач, таъмирлаш саройига киритилади. Сўнгра унинг носоз қисмлари ечиб олингач, қайноқ сувли катта қозонга солиниб, иккинчи бор ялтиратиб тозаланяпти ва таъмирловчиларга топширияпти.

Ҳар куни устахонада 70 тракторчи иш билан банд. Хазинада ҳозирча нақд пул бўлмагани учун уларнинг ҳар бирига 10 килограммдан гуруч, шакар, пахта мойи, ҳар оила жон бошига яна шунчадан буғдой тарқатилибди.

— Бозор иқтисодиёти шароитида фақат моддий манфаатдорлик кишиларда меҳнатга рағбат уйғотиши мумкин, — дейди уюшма бош муҳандиси Қурбонбек Турсунбоев. — Буни кундалик ишимизда кўриб-сезиб турибмиз. 1993 йилдаги тола ҳисобидан Русиянинг Рубцовск шаҳридаги трактор заводидан «Олтой» русумли ҳайдов тракторларига ҳар биттаси 110 минг сўм турадиган 40 та орқа кўприк ва кўп миқдорда эҳтиёт қисмлар олиб келган эдик. Таъмирловчиларимиз ҳаш-паш дегунча, 34 та тракторга бу деталларни ўрнатиб бўлишди. 65 та чопиқ трактори, 25 та чигит экиш сеялкаси, 7 та ғалла комбайни, 6 та беда ва макка ўрадиган техника тўла таъмирланиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Раҳмат Нурматов, Александр Науменко каби уста таъмирловчилар ишини, саккизта ёрдамчи цехда МТЗ-80 тракторлари дискаларидан тортиб, гайка-болтларигача ўз кучлари билан ясаётганликларини, тайёр техникалар хилларига ажратилиб, бир чизиққа териб қўйилганини кўриб, муҳандис айтган гапларга ишонч ҳосил қилдик.

«Андижон», И. Қурбонов номли ширкатлар уюшмаларидаги вазият ҳам кишида қониқиш уйғотади. Ҳамроҳимиз, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси раисининг механизация бўйича ўринбосари Яҳё Ҳотамов «кўп жойда техникани тартибга олиб қўйдик, ишонмасангиз бориб кўринг» деб тўғри айтган экан. «Сўз боши — ассалом, иш боши — интизом» деган шиор ҳам бу ерда сўз ва иш бирлигидан дарак бериб турарди.

Устахоналарда қисқа муддатли курслар ташкил этилибди. Уларда элликдан зиёд маҳаллий ёшлар саккиз гуруҳга бўлиниб таҳсил олишяпти. «Андижон» ширкатлар уюшмаси директори Эсон Қаршибоев бу курслар моҳиятини шундай тушунтиради:

— Ҳар йили механизаторлар етишмаслигидан, зарурат туғилганда тракторчини ғалла комбайнидан пахта териш машинасига, чопиқ агрегатидан ҳайдов тракторига ўтказамиз. Техниканинг ўз эгаси бўлмайди, ҳар ким ўз билганича ишлатади, хоҳласа уйига миниб боради, бузилган жойида ташлаб кетади. Бу йил шуни ҳисобга олиб, тасарруфимиздаги ҳар бир техника воситаси учун алоҳида мутахассис тайёрлаяпмиз. Бу билан, аввало, кўча чангитиб, ишсиз юрган ўсмирларни фойдали меҳнатга жалб қилдик. Қолаверса, улар ўз маҳаллий кадрларимиз, ота-акалари ёнида ишлашади.

Бўлажак механизаторлар билан кунига тўрт соат машғулот ўтказиларкан. Кенг ва ёруғ ўқув хоналари барча зарур кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Ҳовлида эса техникалар бир қаторга тизиб қўйилибди. Йигитлар машғулотдан сўнг таъмирловчиларга ёрдам беришмоқда. Улар эрта баҳорда трактор рулига ўтиришларидан мамнун.

Қўшни Зомин туманидаги «Оқар» ширкатлар уюшмаси ҳам вилоят бўйича энг қолоқ хўжаликлардан бири эди. Пахта ҳосилдорлиги ҳатто 4,5 центнердан ошмади. Ўтган куз охирларидаги манзарани кўриб, «Халқ сўзи»да «Оқар» нега оқмай қўйди?..» сарлавҳали танқидий мақола ҳам ёзган эдик. Бу галги сафаримизда ижобий ўзгаришлар юз берганлигини кўрдик. Ўшанда далада биронта ишлаб турган техникани, устахонада тракторини созлаётган тракторчини кўрмагандик. Бу гал таъмирлов устахонаси одамлар билан гавжум. Директор Аъзам Абдурасулов ва бош муҳандис бир вагончани идора қилиб олибди. Омбор ҳам шу ерга кўчирилган. Ҳар бир ишлаётган одамнинг оиласи кундалик зарур озиқ-овқат билан таъминланибди. Ўзларига иссиқ овқат, иссиқ иш жойи ташкил этилган, қишки кийим улашилган.

Бу шундай самара берибди: қисмлари сочилиб, далада лойга ботиб ётган 37 та ҳайдов трактори, уйларда талон-торож қилиниб, шахсий манфаат учун ишлатилаётган 34 та чопиқ трактори, товуқхона қилиб қўйилган терим машинаси бункерлари, томорқа четларига девор қилиб айлантирилган тележка бортларининг бариси йиғиб келинди. Марказий таъмирлов устахонасига техника сиғмай кетди. Қўшни А. Тоиров номли, «Ғалаба» каби хўжаликларда ишлатилган ва ширкатлардаги дала шийпонларида қолиб кетган 49 та терим машинаси ҳам марказга келтирилди.

Ҳар бир тракторчига ҳайдаган бир гектар ер учун 20 сўмдан ҳақ тўланди. Барча экин майдонлари куз ва қишда ҳайдаб бўлинди. 1100 гектар ерга, жумладан, 700 гектар ғўза орасига сувли ғалла экилди. Чигит экишга ҳам юз фоиз тараддуд кўриб қўйилди. «Оқар»ликлар бу йил қолоқлик доғини ювиб, юзлари ёруғ бўлишига ишонмоқдалар.

Ери-ерига туташ қўшни «Ғолиб» ширкатлар уюшмаси эса кўп йиллар давомида нафақат Зоминда, балки вилоятда оғизга тушиб келганди. Ўтган йили бу анъана бузилди. Режалар бажарилмай қолди. 16 та ширкатдан ўн биттасида машинада бир килограмм ҳам пахта терилмади. Учинчи ноябргача бўлган маълумотни кўрганимизда, давлатга пахта сотиш режаси 34 фоиз, машина терими эса 16 фоиз бажарилганлиги маълум бўлди. Техникадан оқилона фойдаланмаслик туфайли 2500 дан зиёд ҳашарчи теримга жалб қилинди. Кузги шудгор охирига етказилмади.

Буларнинг бари хўжалик раҳбарияти учун аччиқ сабоқ бўлиши керак эди. Афсуски, таъмирлов устахонасида яна боқибеғамлик. 22 та чопиқ трактори, 18 та ҳайдов трактори, 14 та ишчи органлари, кўплаб чизел, сеялка ва бошқа механизмларни таъмирлашга ҳамон киришилмаган. Қишнинг илиқ-иссиқ кунларидан самарали фойдаланилмаяпти. Устахонадаги ва очиқ майдондаги тартибсизликни кўздан кечираётганимизда, техника учун мутасадди раҳбар Собир Исмоилов «илтимос, шулар ҳақида ёзиб ўтирманг» деб ёлворди. Ўзи эса нечта техника воситаси ғаллада, нечтаси пахта майдонида ишлаётгани, нечтаси гўнг чиқараётгани, қанчаси таъмирланаётганини айтиб беролмай, анча мулзам бўлди.

Зарбдордаги «Зарафшон» ширкатлар уюшмасида ҳам шундай аҳвол ҳукмрон. Ҳар йили ёки икки йил ўтмай, раҳбар алмаштирилади бу ерда. Барибир олдинга силжиш бўлмаяпти. Техникалар алоҳида жавобгар шахсларга тақсимлаб берилмаган. Улар бригада ва звеноларнинг шийпонлари олдида ҳамон назоратсиз ётибди. Таъмирлов ишлари, кўкламга тайёргарлик суст. Яхшиям, «Шарқ юлдузи» ширкатлар уюшмасидан 5 та ҳайдов трактори ёрдамга юборилди. Бўлмаса, ерларни кўкламда ҳам ҳайдаб улгуришмасди.

Зарбдор ва Зомин туманларидаги бу ширкатлар уюшмаларида техникага бўлган бундай турли муносабатларни кўриб, ҳам қувондик, ҳам ачиндик.

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишдан сўнг, вилоят ҳокимлигидаги муҳокамада қишлоқ хўжалик вазири Расулмат Ҳусанов ислоҳотнинг бориши, кўкламги экишга тайёргарлик мавзусида жуда ачиниб гапирди. Аниқ амалий ишдан кўра, ҳамон ваъдабозликлар, мажлисбозликлар кўп бўлаётганини таъкидлади. Шу ўринда турли соҳалар бўйича «кўргазмали семинарлар ўтказяпмиз» деган раҳбарларни қаттиқ танқид қилди.

— Ўн-ўн беш кун битта хўжаликнинг техникасини тайёрлаб, барча раҳбарларни чақириб ўргатишдан нима фойда, — деди вазир. — Наҳотки, бугунги раҳбарларимиз ўқитишга муҳтож бўлса? Қачонгача уларни турткилаб ишлатамиз? Нега эрталабдан таъмирлов устахонасига бориб, ўша ерда ишга якун ясамайдилар? Техникани бир жойга тўплаш, эгасига топшириш, жавобгарлик масъулиятини ошириш уларнинг қўлидан келмайдими? Биз кечирувчанмиз, лекин бу йил техниканинг «умри»ни бекорга ўтказадиган, хўжасизликка йўл қўядиган раҳбар билан муроса қилолмаймиз.

Одилона гап, техникани асраш, оқилона ишлатиш ўрнига уни талон-торож қилувчиларга шафқат бўлмаслиги керак.

**Ҳайитбой НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Транспортимиз қиёфаси*

# АЁЗБОБО АВТОКОРХОНАНИ ТАРК ЭТДИ

## Унга қарашли бино ва устахоналарда эса баҳор нафаси кезаяпти

***Урганчдаги 2534-автокорхонада қиш мавсумига тайёргарлик ишлари 1994 йилнинг ёз ойлариданоқ бошланган эди. Ўтган муддат мобайнида, аниқроғи, 1 декабрга қадар автомобиллар сақланадиган бинолар таъмирланиб, уларда қўшимча ва янги иссиқлик тармоқлари барпо этилди. Эски қозонхонада профилактика ишлари амалга оширилди. Техник хизмат кўрсатувчилар, диспетчерлар, ҳайдовчилар, хизматчилар ишлайдиган ва ҳордиқ чиқарадиган хоналарда эса ҳамиша мўътадил ҳарорат бўлишига эришилди.***

— Бу тадбирларнинг самарасини ҳозир яққол сезиб турибмиз,— дейди автокорхона директори А. Исмоилов.— Эрталабки изғиринда автомобилларни йўлга ҳозирлаш вақти сезиларли даражада камайди, устахона қувватлари, корхонадан фойдаланиш кўрсаткичлари анча ортиб, таъмирлаш-созлаш юмушлари сифати яхшиланди.

Жамоамиз асосан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш: савдо шохобчалари, умумий овқатланиш корхоналарига иссиқ нон, ун, ёғ, совун, қанд-шакар каби маҳсулотларни элтиб бериш билан шуғулланиши назарда тутилса, бундай намунали шарт-шароит бизга сув билан ҳаводек зарурлиги аёнлашади.

Эслатмоқ зарурки, автотранспортчиларнинг ғазнасида маблағлар ошиб-тошиб ётгани йўқ. Аммо меъёри билан, ўрнини топиб харжланса, оз миқдордаги сармоя билан ҳам бир талай юмушларни бемалол уддалаш мумкин экан. Бу ерда қишга ҳозирлик борасидаги кенг кўламли тадбирларнинг аксарияти омилкорлик ва тежамкорлик туфайли ҳосил қилинган маблағлар эвазига амалга оширилди. Айни чоғда шундай йўл тутиш оқибатида мижозлар билан ҳисоб-китоб ишлари ҳам сезиларли даражада жонланди. Бироқ автокорхонада хизмат ҳақи тарифлари ҳуда-беҳуда оширилаётгани йўқ. Натижада ҳеч ким ишсиз қолмаётир. Негаки, мижозу буюртмачилар ҳамиша бисёр. Маблағ айланиш жараёнлари тезлашиб, моддий имкониятлар ортаётганининг боиси ҳам шунда.

Дарвоқе, қишнинг айни авж палласида «Хоразмтранс» бирлашмасининг бошқа корхоналари ҳам режадаги қувват билан ишламоқда. Сабаби — уларда мавсумни беталафот ўтказиш юзасидан анча-мунча ишлар амалга оширилган. Чунончи, 65 та цех, 8 та маъмурий-маиший бино, жами 22 минг квадрат метр ҳажмдаги автомайдончалар рисоладагидек созланган. 5,2 километр масофадаги иссиқлик, 0,8 чақирим узунликдаги электр тармоқлари муддатида таъмирланган. Табиий газдан суюқ ёнилғига ўтказилган 24 та қозонхонани иситиш учун эса 250 тоннадан зиёд нефть маҳсулотлари жамғариб қўйилган. Биргина ана шу тадбир шарофатидан ҳар кеча-кундузда 7160 кубометр табиий газ тежалаяпти. Урганч автобус саройи ва Ҳазорасп автокорхонасидаги йирик ҳажмли қозонхоналар ихчамлаштирилгани оқибатида эса ёнилғи сарфи ҳам 20 фоиз камаяётир.

— Бозор иқтисодиёти талаб қилаётганидек, оз маблағ харжлаб, кўпроқ самара олиш, қувватлардан унумли ва оқилона фойдаланиш учун бутун чораларни кўраяпмиз, — деди бирлашма бошлиғи Ярашбой Полвонов биз билан суҳбатда.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚОЯДАГИ ТАРИХ ИЗЛАРИ

Термиз шаҳар ўлкашунослик музейининг илмий ходими, геология ва минерология фанлари номзоди Тўрабек Мустафоқулов Кўҳитанг тоғ адирлари, Клиор, Шеробод тизмалари ва Пуштиқорачор тоғидаги «қоявий ҳайкаллар»ни ўрганиб чиқди. Тадқиқотлар давомида номаълум сангтарош томонидан ўйилган мазкур ҳайкаллар соҳибқирон Амир Темур ва Султон Улуғбек Мирзоларга тегишли эканлиги ҳақидаги тахминларнинг янги илмий асослари қўлга киритилди.

**(Ўз мухбиримиз).**


**Ташкилот Тошкентдаги омборидан қуйидаги молларни сотувга тавсия қилади:**

*1. Сув миқдорини ўлчовчи ҳисоблагичлар:*
*ВСКМ — 25, 32*
*СТВ — 80, 100, 65*
*СТВГ — 65, 100*
*2. Кондиционерлар*
*БК — 2300*
*3. Электродвигателлар:*
*қуввати 5,5 квт. дан 315 квт. гача*
*4. Ўтказгичлар ППБН — 2 х 2,5*
*5. Стартёрлар 80СК — 220*

***Бизнинг телефонлар: 41-40-28, 35-61-04***
***тел/факс: 41-56-37.***


• *Долзарб мавзу*

# ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИ ЙЎҚОТИШНИНГ ЯГОНА ЙЎЛИ—ҚАЙТА ИШЛАШ

***Бугунги кунда мамлакатимизнинг айрим вилоятлари ва туманлари ҳудудларида ҳамон кимёвий моддалар ва пестицидлар сақланиб қолганлиги маълум бўлмоқда.***

«Ўзқишлоқхўжаликкимё» бирлашмасининг маълумотларига қараганда, зарарли кимёвий моддаларнинг умумий миқдори республикамиз ҳудудида бир неча минг тоннани ташкил этади. Бу инсоният ҳаёти учун ўта хавфли. Шу боисдан ҳам атроф-муҳитни шундай заҳарли моддалардан тозалаш мақсадида бевосита экологияга алоқадор бўлган ташкилотлардан турли хил таклифлар тушмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Атмосфера» илмий-ишлаб чиқариш маркази бутифосларни куйдириш орқали унга барҳам бериш технологиясини таклиф қилмоқда. Уларнинг айтишларича, бу технология экологик жиҳатдан тозадир. Бироқ 1 кг бутифосни куйдирганда ҳосил бўлган қолдиқлар таркибидаги фосфор 5-оксид, бутилмеркаптан, дибутилдисульфид, дибутилтрасульфид каби заҳарли моддалар ҳавога тарқалади. Шунингдек, бутифосни ёндириш давомида А-76 бензини ва ББЦ махсус ёқилғиси аралашмаси ҳамда дизель мойи талаб қилинади. Бу эса иқтисодий жиҳатдан катта зарар келтиради.

«Қуёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бутифосни детоксикация қилиш йўли билан йўқотиш технологияси ишлаб чиқилган бўлса, «Ўзқишлоқхўжаликкимё» томонидан таклиф этилган реагентга айлантириш усулига кўра эса, бутифослар қайта ишлаш йўли билан хомашёга айлантирилади. Бизнингча, ушбу усул экологик жиҳатдан тозадир. Чунки заҳри қотилни қайта ишлаш жараёнида органик шиша ишлаб чиқариш учун зарур хомашё олиш мумкин. Шу билан бирга, уни қолдиқсиз йўқотиш имконияти яратилади. Ҳосил қилинган хомашёга эса харидорлар кўп. Масалан, Озарбойжон Республикасидаги органик шишалар ишлаб чиқариш маркази йилига 160 тонна бутилмеркаптан харид қилмоқчи. «Росреактив» кўплаб миқдорда дибутилдисульфид, Франция эса метилмеркаптан сотиб олиш истагини билдирган.

Юқорида қайд этилган республикамиз ҳудудидаги зарарли кимёвий моддаларнинг бир қисмини бутифос ва пестицид ташкил қилади. Уларнинг таркибидаги айрим кимёвий элементлар якка ҳолда қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳитга унча зарар етказмайди. Уларни эҳтиёткорлик билан, белгиланган тартиб бўйича ишлатса бўлаверади. Лекин, олимларнинг айтишича, пестицид атроф-муҳитни заҳарловчи энг кучли моддадир. Шунинг учун уни ишлатишда хўжасизликка йўл қўймаслик керак.

Текширишлар шуни кўрсатдики, пестицидлардан нотўғри фойдаланиш оқибатида кўп жойлар ДДТ ва ГХЦГ каби заҳарли моддалар билан заҳарланган. Чунки уларнинг концентрацияси йиллик меъёрга қараганда 2,3 — 3,0 марта ошган. Натижада Андижон, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида тупроқнинг ифлосланиши анча юқори даражага етган. Демак, мазкур кимёвий моддалар: бутифос ва пестицид қандай ҳолатда ишлатилмасин, барибир, қишлоқ хўжалиги ҳамда халқ хўжалигига катта зарар етказади ва атроф-муҳитни заҳарлайди. Шу боис заҳарли химиявий моддаларни зарарсиз равишда йўқотишнинг бирдан-бир усули уларни қайта ишлаш ва нейтраллашдир. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига қарашли вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари, давлат инспекциялари иш юритишда юқорида кўрсатилган йўлланмаларга риоя қилишлари керак.

**Р. БОТИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бош мутахассиси.**



***Ўтган йилнинг май ойида Олтинкўл туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигининг чорвачилик фермаси «Зарбдор» хусусий ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган эди. Қисқа давр ичида ҳиссадорлик жамияти аъзолари чорванинг ҳақиқатан ҳам даромадли соҳа эканлигини амалда исботладилар. Улар йилни муваффақиятли якунлаб, давлатга 231 тонна сут, 27 тонна гўшт етказиб берди.***

***СУРАТДА: сут соғувчилар Тамара Насриддинова, Ўлмасхон Комилова, Шоҳида Жумабоева ва Ёқутхон Аҳмедовалар.***

**Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

# МАКТАБДА ГИЛАМ ТЎҚИШ ЦЕХИ

Қамаши туманидаги Ғафур Ғулом номли ўрта мактабда шу ўқув даргоҳининг оталиқ ташкилоти — тумандаги Чимқўрғон механизациялашган кўчма жамланмаси жамоасининг амалий ёрдами туфайли гилам тўқиш цехи очилди. Ўқувчилар тўқиган гиламлар туман, вилоят миқёсидаги кўргазмаларда тилга тушди. Улар сотувга ҳам чиқарилмоқда. Олинаётган даромад эвазига эса ўқув ашёлари, кўргазмали қуроллар харид қилиш мумкин бўлаётир.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**ТАШКИЛОТ ТАВСИЯ ЭТАДИ:**

*1. Телефакс "Panasonic KX-F130 BX"*
*"Panasonic KX-F500"*
*"Panasonic KX-F700"*
*2. Ксерокслар "Canon FC-330"*
*3. Сим т/б ВР-2, 4-5*
*4. Умумий фойдаланишдаги сим*
*2 ГР—4 ГОСТ 3282 74*
*5. АЗО, Е16 ксерокслари учун катридж*
*6. Совуткичлар*
*7. Валюта детектори*
*8. Пул санаш машиналари*
*9. Телефон аппаратлари*
*10. ФС/РС - 2, 3, 5, 11 цилиндрлари*
*11. КЭНОН—1215 тонер порошоги*

*Телефонлар:*
*(3712) 72-54-68, 72-98-17*
*(3662) 31-06-64, 26-52-05*


# ТИББИЙ ЁРДАМ — ХАЙРИЯ ТАРЗИДА

Кейинги пайтларда республикамизнинг барча жойларида бўлганидек, Самарқанд вилоятида ҳам чет эл сармоялари асосида кўплаб корхона ва марказлар ишга туширилмоқда. Бу эса, албатта, жаҳондаги бошқа давлатларнинг мамлакатимизга бўлган қизиқиши, эътибори ошаётганидан далолатдир.

Яқинда Самарқанд шаҳрида Жанубий Корея Республикаси миссионерлари ассоциацияси ҳомийлигида янги поликлиника очилди. Фаолиятини хайрия тарзида олиб борадиган бу муассаса беморларга Кореяда ишлаб чиқарилган дори-дармонлар ва замонавий тиббий усуллар ёрдамида бепул хизмат кўрсатади.

**М. МУЗАФФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**Shosh-trans**

**МИЖОЗЛАР ДИҚҚАТИГА !**

"ШОШ—ТРАНС" акциядорлик жамияти Сизни қуйидаги янги манзилда кутади: 700111, Тошкент шаҳри, Чуқурсой кўчаси, 82.

*Телефон: (3712) 48-56-84;*
*тел./факс/ (3712) 48-22-20.*

Жамиятнинг аввалги манзилида ҳозир унинг бўлинмаси жойлашган, бу ерда ҳам Сизни кутишади.

**Мана, унинг манзили:**
*700060, Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 7.*

***Телефонлар:*** *(3712) 59-57-09, 59-58-55.*
***Факс:*** *59-57-09.*

**ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ !**

***"ШОШ—ТРАНС" — экспорт-импорт юкларни темирйўл орқали жаҳон талаблари даражасида ташиб беради!***

**Сиздан бироз ҳаракат!**
**Биздан тўла ғамхўрлик!**

*Бизнинг хизмат — Сиз учун имконият!*

***"ШОШ—ТРАНС".***

• *Халқ ҳунармандчилиги*

# УСТА ЭШМАННИНГ ЭГАРЛАРИ

## ЧАВАНДОЗЛАР УНГА ЭҲТИЁЖ СЕЗИШАЯПТИ

***Қашқадарёнинг «Чияли» мавзеси ўзининг Пайшанба бозори билан жуда машҳур. Якшанба кунлари бу ерга Тошкенту Хўжанд, Туркманистону Тожикистондан кўплаб харидорлар келишади.***

Савдо-сотиқ айни авжига чиққанда одамнинг кўплигидан ҳатто қадам босишнинг имкони бўлмай қолади. Одамлар, «Чияли»нинг бозоридан анқонинг уруғини ҳам бемалол топиш мумкин, дея нақл қилишади. Яна бир жиҳати, бозор осойишталиги ва ҳар хил ғавғолардан холилиги билан ҳам ном чиқарган. Бу ерда охирги марта қачон ўғирлик содир бўлганини ҳеч ким эслай олмайди. Бозорчилар харид қилган нарсаларини ҳеч иккиланмай дуч келган жойга қўйиб кетаверишади. Хуллас, Пайшанба — антиқа бозор. Аммо гап бу ҳақда эмас.

«Чияли» нафақат бозори, балки шижоатли кўпкарилари билан ҳам тилга тушган. Энг катта улоқ мусобақалари ҳам айнан шу ерда бўлади. Бундай чоғларда кенг дашт қўйнидаги минглаб отлар издиҳоми мисоли зўр тўлқиндек гувранади. Қудратли тўда ичидан совринни олиб чиқиш энг эпчил ва тажрибали чавандозларгагина насиб қилади. Бошқа ерларда ном қозониб юрган унча-мунча чавандозлар ҳам «Чияли»нинг кўпкариларида анча ҳайиқиб от суришади.

«Чияли»ликлар йилқини, айниқса, улоқчи отни қадрлашади. Ахир, от чавандознинг қаноти-да. Кўпкари мавсуми бошланиши олдидан улоқчи отлар қирқ кунлик бойловга қантарилиб, обдон боқилади. Бу жуда нозик иш бўлиб, салгина хатоликка йўл қўйилса ҳам от кўпкарида ҳеч нарсага ярамай қолиши мумкин. Уни суғоришдан тортиб, емиш беришу қашлашгача махсус режимга амал қилинади.

Обдон етилган от бир неча ҳафта давомида совутилиб, кўпкарига тайёрланади. Унинг улоқ мусобақаларида донг таратиши эгар-жабдуғига ҳам боғлиқ. Шунинг учун чавандозлар бу масалага алоҳида аҳамият беришади. Борди-ю, от қанчалик зўр бўлгани билан устидаги эгари ночор бўлса, панд бериб қўйиши мумкин. Бундай эгар кўпкари чоғида ё синиб кетади, ё отнинг устини шилиб, яғир қилиб юборади.

Эгарсоз усталарни «Чияли»да жуда ҳурмат қилишади. Таниқли чавандозлар уларга махсус буюртмалар беришади. Ҳатто, айтиш мумкинки, эгарсозлик бу томонларда анча... сердаромад ҳисобланади. Чунки минг машаққатлар эвазига юзага келган яхши эгарнинг баҳоси бир отнинг нархи билан тенг туради.



Бундан 30 йиллар бурун «Чияли»нинг Уймовут қишлоғида уста Эшман бобо яшаб ўтган. У киши ясаган эгарларнинг довруғи узоқ-узоқларда ҳам машҳур бўлган. Ҳатто олис туркман элидан чавандозлар келишиб, устага буюртма беришар экан. Эшман бобо ясаган эгарни дулдулига босган чавандозлардан бирортасининг кўпкари чоғида мулзам бўлиб қолганини ҳеч ким эшитмаган. Унинг ясаган анжомлари ниҳоятда пишиқ, мустаҳкам, енгил ва қулай бўлганлигидан отни сира уринтирмаган. Орадан шунча йиллар ўтиб кетган бўлса-да, ҳамон баъзи чавандозлар ўша эгарларда улоқ чопишади.

Айтишларича, уста Эшман бобо битта эгарни бир йилда ясаб битирар экан. Уни тайёрлаб бўлгач, аввал қуритиб қўяркан. Сўнгра баланд томнинг устидан ерга отиб, пишиқ-пухталигини синаркан. Агар эгар бунга дош беролмай синиб кетса, уни қайтадан ясашга киришаркан.

Умр — оқар дарё, деб бежиз айтишмайди. Ана шундай машҳур усталар ҳам оламдан ўтиб кетишди. Қариялар ҳамон уста Эшман бобо ясаган эгарларнинг хосиятлари ҳақида нақл қилиб юришади. У киши ҳаётининг охирларида ёшгина ўспирин неварасига ўз касбининг сир-асрорларини ўргатиб, мерос қолдириб кетган экан. Ҳозир у бобосининг ишини давом эттираяпти.

Эгарсозлик — кишидан сабр-тоқат, зеҳн ва масъулият талаб этадиган касб. Битта ана шундай анжомни тайёрлаш учун қанчадан-қанча тер тўкишга тўғри келади. Дастлаб қирқиб олинган дарахт танаси офтобда обдон қуритилади, сўнгра махсус бўлакларга бўлиниб, ишлов берилади. Эгар ясашда кўп нарсалар ҳисобга олиниши лозим. Борди-ю, унинг пастки қисми салгина қийшиқ чиқиб қолса ҳам, отнинг устини яғир қилиб юбориши мумкин. Айниқса, шохи ва таянч қисмини ясаш мушкул кечади. Негаки, ёғоч бўлаклари бир-бирига мустаҳкам бириктирилмаса, дарз кетиб, тез орада синиб қолиши мумкин. Уни тайёрлашда махсус елим, мол ёки қўйнинг қуритилган пайидан фойдаланилади. Майда михлар ёрдамида ўзаро бириктириб қоқилган эгарнинг бутун сиртига елим ёрдамида пай толалари қоплаб чиқилади. Маълум муддат қуритилиши натижасида эгар мустаҳкам бўлиб қотади. Яна шуниси ҳам борки, елимлангач, анжомга сира сув ўтмайди ва у тоб емайди. Шундан сўнг терак пўстлоғи майда бўлакларда қирқиб олиниб, эгарнинг ҳамма жойига қоплаб чиқилади. Бу билан унинг мустаҳкамлиги янада ошади. Буюртмачининг хоҳишига қараб, юзасига гул ва нақшлар тасвири ҳам туширилиши мумкин.

60-йилларда шахсий отларни мажбуран йиғиштириб олиш сиёсати оқибатида «Чияли»да ҳам кўплаб улоқчи тулпорлар гўштга топшириб юборилди. Бир қанча муддат мавзенинг бепоён, ям-яшил яйловларида кўпкари завқидан сармаст чавандозларнинг ҳайқириғи-ю, учқур тулпорларнинг туёқ дупурлари тиниб қолди. Лекин у даврлар кўз очиб юмгунча ўтди-кетди. Ҳозир яна кўпкарилар авжига чиққан. Отлар дупури рўйи-заминни титратади. Кечагина кишнаб юрган тойлар бугун дулдул отга айланди. Лекин уларнинг кўпкариларда соврин олиб, довруқ таратиши учун уста Эшман бобонинг метиндек мустаҳкам эгарлари керак.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЮРТИМИЗ ЖАМОЛИНИНГ МАФТУНИ

***Уч ойдан буён пойтахтимизнинг Ҳамза кўчасида жойлашган 71-уйдан одамларнинг оёғи узилмай қолди. Бу ерда таниқли коллекционер ва библиофил Евгениис Кантор раҳбарлигида «Марказий Осиё» — «Центральная Азия» деб номланган шахсий кўргазма ташкил қилинган.***

Маълумки, ҳар бир кишининг ўз севимли машғулоти — хоббиси бўлади. Кимдир эски тангаларни ёки китобларни йиғади. Бошқаси эса марка, ҳатто турли ҳунармандчилик ашёларини тўплайди. Тошкент азалдан ана шундай кишилар шаҳри ҳам бўлиб келган. Бозорларда, кўчаларда маданий қимматга эга бўлган моллар билан савдо қилаётган кўплаб кишиларни учратиш мумкин.

Е. И. Кантор директорлик қилаётган шахсий коллекцияни ташкил қилишда республика Маданият ишлари вазирлиги яқиндан ёрдам берди. Томошагоҳ буюмлари ичида лаганлар, кўзалардан тортиб сўзана ва бошқа Шарқ ҳунармандчилиги намуналарини учратиш мумкин. 150 га яқин экспонат тез-тез янгиланиб туради. Ашёларнинг ҳар бирида халқимиз маънавияти, турмуш тарзи акс этган.

«Марказий Осиё» — «Центральная Азия» кўргазмаси тобора бойиб бормоқда. Яқинда Тоир Тоиров замонавий ўзбек рассомлари асарларидан иборат шахсий коллекциясини ҳам тақдим этди. Шунингдек, ундан ёш рассом Нодира Имомованинг ижодидан намуналар жой олган.

**Халил СУЛТОН.**

• *Бизга ёзадилар*

# САХОВАТ ВА МУРУВВАТ ҲАФТАЛИГИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш пайтидаги вақтинчалик қийинчилик даврида муҳтож оилалар, етим-есир, бева-бечоралар ҳолидан хабар олиш, уларга қўлдан келганча ёрдам кўрсатишнинг савоби бениҳоя каттадир. Шунинг учун ҳам вилоят ҳокимининг Наманганда хайрия-саховат ва мурувват ҳафталиги ўтказиш тўғрисидаги қарорини меҳнаткашлар катта қониқиш билан кутиб олдилар.

Ҳафталикни ўтказишга пухта тараддуд кўрилди. Аввало, маҳаллаларда моддий ёрдамга муҳтожларнинг рўйхати тузиб чиқилди. Кейин шаҳар ҳокими, унинг ўринбосарлари, турли жамғармаларнинг раҳбарлари уларнинг хонадонларига бориб, 60 дан ортиқ кишига «Муштарий» тикувчилик ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида тайёрланган кўйлак, халат, озиқ-овқат, «Камолот» пойабзал ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида тайёрланган оёқ кийимлари ва бошқа совғаларни тортиқ қилдилар.

**Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**


Ўзбекистон акциядорлик-тижорат саноат-қурилиш банки маълум қиладики, 1995 йил 17 мартда банк акциядорларининг йиллик мажлиси бўлади.

Манзил: Тошкент ш., Ўзбекистон кўчаси, 98 (Киночилар уйи).

**МУҲОКАМАГА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАР ҚЎЙИЛАДИ:**

— *«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 1994 йил иш якунлари ва 1995 йилги вазифалари тўғрисида.*

— *«Ўзсаноатқурилишбанк»тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.*

— *«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлар кенгаши ва тафтиш комиссиясига янги аъзолар сайлаш тўғрисида.*

— *Биринчи чиқарилган акция ва сертификатларни алмаштириш тўғрисида.*

***Мажлис соат 10 да бошланади.***

***Банк акциядорларининг шўъба мажлисида сайланган вакиллар соат 8 дан рўйхатга олинади.***

*«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» БОШҚАРУВИ*

**«ЎЗСПЕЦИНТУР» ФИРМАСИ СИЗНИ ВА ОИЛАНГИЗНИ ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

— ***Машина олиш учун Германияга (самолётда).***
— ***Парижга саёҳат ва катта саёҳат.***
— ***Малайзия ва Сингапурга (7-8 кун).***
— ***Бангкокка (7-8 кун).***

Биз билан бирга ишлашни, дам олишни хоҳласангиз, сизнинг ҳамма муаммоларингизни ўзимизга оламиз.

**Бизнинг телефонимиз: 78-45-16; 78-21-05.**
***Манзилимиз: Тошкент ш., Чилонзор, Қатортол-38 («Ташсовет» кинотеатри ёнидаги бино). УзГИИТИ, 4-қават, 405-407-хоналар.***

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ, МУЛК ШАКЛИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР, ҲАММА ТАРМОҚЛАРИДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ

**РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА**

*Ўзбекистон Республикаси Фан-техника давлат қўмитасининг Давлат патент идораси маълум қиладики, 1994 йил учун республика Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг 1994 йил 29 августдаги 22-қарори билан тасдиқланган «Саноат мулки объектларини патентлаш ва фойдаланиш тўғрисида» N 4-ФТ шаклидаги давлат статистика ҳисоботини ва «Саноат мулкининг ишлаб чиқаришда фойдаланилган объектлари рўйхати» иловасини қуйидаги манзилга юбориш лозим:*

**700047, Тошкент, Ю. Фучик кўчаси, 2 «А».**

**ДИҚҚАТ ЯНГИЛИКЛАР!**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ ТОМОНИДАН "КАПИТАЛ" ВА "КАПИТАЛ-ЛЮКС" ОМОНАТЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ**

"Капитал" ва "Капитал-Люкс" омонатлари бўйича даромад хар ойда 9%дан тўланади ва бу фоизлардан Сиз тўлик ёки кисман олиб фойдаланишингиз мумкин. Бундан ташқари бу омонатларни пул ўтказиш йўли билан хам очишингиз мумкин.

"Капитал" омонати 1 йил муддатга очилади ва энг кам микдори 1000 сўм. Бу омонат бўйича фоизларни 1 йил давомида олиб ишлатмасангиз Сиз 180%дан юқори даромад оласиз.

"Капитал-Люкс" омонати 6 ой муддатга очилади ва энг кам микдори 3000 сўм. Бу омонат бўйича Сиз жорий ой учун фоизларни олдиндан олиб фойдаланишингиз ва истаган микдорингиздаги қўшимча пулни қўйишингиз мумкин.

***Тўлиқ маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар оркали билиб олишингиз мумкин:***

***45-66-43, 33-51-95.***

**"КАПИТАЛ" ВА "КАПИТАЛ-ЛЮКС" ОМОНАТЛАРИ – БУ СИЗНИНГ ДАРОМАДИНГИЗ!**


Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Ю. Д. Петринга онаси **Прасковья ПЕТРИНАнинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентликнинг собиқ директори Ҳафиза Аслиддинова турмуш ўртоғи **Исоқжон ПИДАЕВнинг** вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

# ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

## НАҲОТКИ, ҚЎЙ ЖУНИДА ТИЛЛА БЎЛСА...

***Британия ядро тадқиқотлари маркази олимлари қоракўл қўйлари жунида олтин борлигини тасдиқлашди.***

Аввалига қимматбаҳо металл бу ҳайвон жунига қаердан илашдийкин, деб кўп бош қотиришди. Маълум изланишлардан сўнг, улар аппаратлару асбобларда ҳам сезиб бўлмайдиган жуда майда олтин зарралари Қизилқумда ўсадиган ўтлар орқали қўй танасига ўтган, деган фикрга келишди.

Ота-боболаримиз сур териларни «тилларанг» деб бежиз айтишмаган экан-да.

## ЎЗИГА ҚАБРТОШ ҚЎЙДИ

***Бошқирдистонлик Алевтина Михайловна эндигина 46 ёшга тўлди. Унинг қўшнилари ҳам, қариндош-уруғлари ҳам ҳозирдан «сафарга» тайёргарлик кўраётганидан ажабланишаяпти.***

Албатта, бу «сафар» хорижга ёки Москвага эмасда. Нариги дунёга! Қўшнисининг ўлиги тобут сотиб олишолмаганларидан уч-тўрт кун мурдахонада қолиб кетганди. Алевтина шундай кун менинг ҳам бошимга тушмасин, деган хаёлга бориб, аввал тобут, сўнгра сунъий гулчамбар, мармартош сотиб олди. Ҳатто унга исми-шарифини, туғилган йил ва кунини ўйдириб ёздирди. Энди унинг барча умиди дафн маросимини ўтказадиган қариндошидан. У қабр тошига бандаликни бажо келтирган кунимни ёздириб қўяди, деяпти.

## ҲАМ ҲЎКИЗ, ҲАМ ПУЛ КЕТДИ

***Вилоят мухбирининг «Ўғри» ҳикояси газетада босилиб чиққан куни унинг икки йилдан буён сўқимга боқаётган ҳўкизини ўмариб кетишди.***

Мухбирнинг яқинлари, қариндошлари кўнгил сўрашга келишди. «Ёрдам беринглар, буқани топмасак бўлмайди, қидирайлик, сарф-харажатларини ўзим кўтараман», — деди уларга. Саккизта машина қишлоқма-қишлоқ, бозорма-бозор уч кун изғиди.Бунинг устига қидирув органлари ҳам бекор туришгани йўқ. Тўртинчи куни ҳаммалари яна йиғилишди. Кимдир 100 сўмлик, яна биров 150 сўмлик бензин сарфлаганини айтди. Мухбир 1200 сўм пулни уларнинг олдига қўйди-да, пешонасига бир уриб, «ахмоқ», деди ўзига-ўзи пичирлаб.

— Ҳикояда ўғирликни тасвирламай мен ўлай, шу пулга кичикроқ буқача берарди-ку.

## ГИННЕССНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИГА КИРМОҚЧИ ЭДИ

***Қаттиқ, сурункали оғриқдан ҳушсизланган маҳбусни 1-Твер шифохонасига келтиришди. Жарроҳлар уни ҳеч иккиланмай операция столига ётқизишди. Ёришгач, ҳеч нарса топишолмади.***

Яна тикиб қўйишмоқчи эди. Бироқ, ичак-чавақларни ағдар-тўнтар қилаётган жарроҳнинг қайчиси тасодифан бемор ошқозонига тегиб кетгач, темир садоси эшитилди. Очишувди, ичидан ярим килодан зиёдроқ темир занжир билан металл парчалари, шиша синиқлари чиқди. Тўполон туфайли қамоқ муддатини ўтаётган маҳбус шунча нарсани тўрт кун ичида ютганини айтди. Нияти — «Гиннесснинг рекордлар китоби»га кириш экан.

## МОЛЛАРИНИ ЎЗЛАРИ ЎМАРИШДИ

***Словакиядаги «Коматранс» хусусий фирмасининг икки ишбилармони-Мариан Гожа ва Франтишек Вега Ровен вилоятининг Корецк тумани милициясига мол-мулклари (500 жуфт аёллар пойафзали, қирқ минг банка консерваланган қўзиқорин)ни йўлтўсарлар тунаганидан шикоят қилишди.***

Милиция ўғриларни топди. Этикларни бозорда, қўзиқоринларни эса катта йўлдаги ошхонага немис маркасига пуллаган ҳам ўзлари бўлиб чиқди.

## ҒОЗЛАР БАҲОРДА ҚАЙТАДИ

***Канаданинг Онтарио ўлкасида паррандалар оламини ўрганаётган тадқиқотчи Билли Миллиган маҳаллий аҳоли ғозларни қишда иссиқ ўлкаларга учиб кетмасликлари учун шароит яратганидан жуда хафа бўлиб кетди.***



Чунки қиш қаттиқ келган йиллари қушлар қирилиб кетганди-да. Уларни сақлаб қолиш учун илгаригидек қишда иссиқ ўлкаларга учиб кетишларига ўргатиш керак эди. Олим бунинг йўлини топди. У аввалига ғозларни делтаплан моторчасининг товушига ўргатди. Кунлар совий бошлагач, делтаплан осмонга кўтарилгач, делтапланга ғозлар ҳам эргашди. Тўхтовсиз 700 километр йўл босиб, хушҳаво, иссиқ Флорида воҳасига қўнишди. Баҳор келиши билан қушлар Онтариога ўзлари йўл топиб боришаркан.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

• *БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;*
*Иқтисодиёт 32-36-65;*
*Маънавият 32-35-60;*
*Ахборот 32-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ш. Мутаххархон ўғли.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0067 50908 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 20.00. 1 2 3 4 5 6